

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ**

**ЧАЧАНИДЗЕ ИНГА ГРИГОРЬЕВНА**

**ПОСТКОВИД ДАВРДА РЕНИН-АЛДОСТЕРОН ТИЗИМИНИНГ  
ФАОЛЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГИПЕРТОНИЯ  
КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

УЎК: 577.175.852+ 577.175.532]: 616.12-008.331.1: 616.98:578.834.1-036

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Чачанидзе Инга Григорьевна**

Постковид даврда ренин-алдостерон тизимининг фаоллигини

ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллигининг

клиник-диагностик хусусиятлари..... 3

**Чачанидзе Инга Григорьевна**

Клинико-диагностические особенности гипертонической

болезни с учетом активности ренин-альдостероновой

системы в постковидном периоде..... 27

**Chachanidze Inga Grigorievna**

Clinical and diagnostic features of hypertension considering

the activity of the renin-aldosterone system in

the post-COVID period..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ**

**ЧАЧАНИДЗЕ ИНГА ГРИГОРЬЕВНА**

**ПОСТКОВИД ДАВРДА РЕНИН-АЛДОСТЕРОН ТИЗИМИНИНГ  
ФАОЛЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГИПЕРТОНИЯ  
КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3308 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Расулова Хуршидахон Абдубориевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедов Халмурад Садуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Базарова Сайёра Абдубаситовна**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...бутунги кунда 1 миллиардга яқин одам артериал гипертензия (АГ) дан азият чекмоқда ва 2025 йилга келиб қон босими мақсадли даражадан юқори бўлганлар сони 1 миллиард 500 миллионга етиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтда катта ёшдагиларнинг ҳар тўртинчисидан АГ бор ва 15 йилдан кейин ҳар бир учинчи одамда бу ҳолат ривожланади...»<sup>1</sup>. COVID-19 дан кейин АГ нинг тарқалиш кўламининг ўсиб бориши нохуш прогностик ҳолатлар ривожланишига сабаб бўлади. Бу эса ковиддан кейинги даврда гипертензиянинг клиник кечишини ўрганиш зарурлигини тақозо этади. Бундан ташқари АГ ривожланишининг патофизиологиясини ўрганиш соҳасида алдостерон ва рениннинг муҳим ўрни таъкидланган ва шу кўрсаткичлар орқали ковиддан кейинги даврда ушбу патологияни ташхислаш ёки стратификация қилишнинг муқобил усуллари турли клиник белгилар асосида ўрганиш ҳал қилинмаган ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда ўтказилаётган клиник тадқиқотларда АГ ни ихтисослаштириш ва терапевтик давосини мувофиқлаштириш учун ренин-ангиотензин-алдостерон тизимидаги (РААТ) ўзгаришларни аниқлаш, шунингдек, юрак тузулмавий-функционал хусусиятлари ва чап қоринча-артериал боғлиқлигини ўрганиш асосида ушбу касалликнинг турли патофизиологик шакиллари тадқиқ қилиш масалалари очик қолмоқда. Ковиддан кейинги даврда ренин-алдостерон тизимининг (РАТ) фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллиги (ГК) нинг клиник ва диагностик хусусиятларини ўрганиш ушбу тоифадаги беморлар учун ташхислаш усуллари ҳамда даволаш ёндашувларини такомиллаштиришга маълум бир ҳисса қўшади. Бу эса, ўз навбатида, касалликнинг нафақат ижобий динамикасини, балки зарарланган нишон аъзоларнинг регрессиясини таъминлашга ва оқибатини яхшилашга олиб келиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, «...тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ва оммавийлигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш, патронаж ва диспансер хизматларининг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида шифокорлар томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳамда кўрик ва

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/hypertension>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 18-декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4063-сон қарори.

патронаж тизимини юксалтириш билан бирга ковиддвн кейинги гипертензияни самарали даволашга ва аҳоли орасида эрта ногиронлик шаклланишини олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** 2019 йилдан бери бутун дунё коронавирус инфекциясининг янги пандемиясини бошдан кечирмоқда. Бироқ, аввалги эпидемиялардан фарқли ўлароқ, COVID-19 юқори вирулентлик ва патогенликка эга бўлиб, дунё бўйлаб тез тарқалмоқда. Шу муносабат билан, 2020 йил 11 март куни Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан пандемия эълон қилинди. Баъзи беморларда тромбоз ва тромбоэмболия билан гиперкоагуляция синдроми ривожланади, бошқа аъзолар ва тизимлар (марказий ва периферик асаб тизими, миокард, буйраклар, жигар, ошқозон-ичак, эндокрин ва иммун тизимлар) ҳам таъсирланади, сепсис ва септик шок ривожланиши мумкин (Seyed A.S. et al., 2021; Nuzzo D. et al., 2021). SARS-CoV-2 коронавируси инсон организми хужайраларига вирус юзасида жойлашган S оксигенини 2-турдаги ангиотензинга айланттирувчи фермент (ААФ2) мембрана шаклининг хужайрадан ташқари доменига боғланиши орқали кириши, унинг аффинлиги эса SARS-CoV вирусидан юқорилиги аниқланди. ААФ2 ўпка эпителийси, ичак, буйрак, эндотелий, мушак хужайраларида экспрессия бўлади, бу юқумли жараён давомида зарарланишнинг табиатини белгилайди (Барсуков А.В., 2016; Асфандиярова Н.С., 2021; Borah P. et al., 2021; Chang W.T., 2021). Бундан ташқари, SARS-CoV нинг ААФ2 ни ташувчи тўқимага таъсири билан боғлиқ РААТ регуляциясини бузилишини кўрсатиб ўтилган (Bozkurt B, Kovacs R, Harrington B., 2020).

Сўнгги йилларда алдостерон ва рениннинг юрак-қон томир асоратлари ривожланишидаги муҳим ролдан далолат берувчи тадқиқотлар олиб борилган. Миокард ва артерия деворидаги толали ўзгаришларнинг ривожланишида алдостерон ва рениннинг аҳамияти бўйича илмий изланишлар давом этмоқда. Аммо олиб борилаётган тадқиқотларда

алдостерон ва рениннинг эндотелиал дисфункцияни ривожланишидаги ўрнига камроқ аҳамият қаратилган (Гончаров Н.П. и соавт., 2017; Глуховской Д.В. и соавт., 2018; Agabiti E., et al., 2018). АГ билан оғриган беморларда гипералдостеронизмнинг паст даражали ренин шаклларида қон томир деворидаги тузулмавий ўзгаришларни ва эндотелиал дисфункциянинг оғирлик даражасини ўрганишнинг долзарблиги РАТ дан изоляцияланган алдостерон таъсирини баҳолаш имконияти билан белгиланади, чунки гипералдостеронемия натижасидаги гиперволемия ушбу патологияда РАТ нинг супрессиясига олиб келади (Ватутин Н.Т., Скланная Е.В., 2017; Athimulam S, Lazik N, Bancos I., 2018).

Ўзбекистонда маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ковиддан кейинги синдром билан касалланган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш билан боғлиқ масалалар изчил ўрганилмоқда (Даминов Б.Т., Эгамбердиева Н.К., 2021; Нуриллаева Н.М., Ярмухамедова Д.З., 2023); қандли диабет негизида юрак ишемик касаллиги ва COVID-19 билан касалланган беморларда марказий гемодинамиканинг функционал ҳолати ва эндотелиал функция ўрганилган (Аляви А.Л., Убайдуллаев Ш.А., 2024); ковиддан кейинги синдроми билан касалланган ҳарбий хизматчиларда юрак-қон томир касалликлари асоратларининг олдини олишда клиник ва иммунологик кўрсаткичларнинг хусусиятлари аниқланган (Мухамедова М.Г., Нуралиева Д.М., 2024). Шу билан бирга, қон плазмасидаги алдостерон ва ренин даражалари ва ковиддан кейинги даврда беморларда гипертензиянинг клиник кечиши ўртасидаги боғлиқлик етарлича ўрганилмаган ва беморларда РАТ фаоллигини ҳисобга олиш негизида даволаш алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Бирламчи гипералдостеронизм (БГА) билан АГ ли беморларда ўтказилган бир қатор тадқиқотларда ушбу тоифадаги беморларда каротид атеросклерознинг намоён бўлиши тўғрисида ноаниқ маълумотлар келтирилган (Н.М.Чихладзе, О.О.Фаворова, И.Е.Чазова, 2018; Funder J.W., Carey R.M., Mantero F., 2016). Илгари ўтказилган тадқиқотларда плазмадаги рениннинг фаоллиги (ПРФ) супрессиясининг протектив роли ҳамда БГА ва эссенциал гипертензия билан оғриган беморларда каротид артерияларнинг атеросклеротик зарарланиши даражасида фарқ йўқлиги тўғрисида фикрлар билдирилган (Драпкина О.М., Драпкина Ю.С., 2012 ; Гончаров Н.П., 2012) . Шу билан бирга, сўнгги йилларда РАТ нинг меъёрий кўрсаткичлари негизидаги эссенциал АГ билан солиштирганда РАТ ни супрессияси ушбу беморларда яққолроқ тузулмавий ўзгаришлар ва эндотелиал дисфункция ҳақида бир нечта маълумотлар келтирилган ( Jia G., Aroor A.R., Hill M.A., Sowers J.R., 2018; Veldhuizen G.P., et al, 2022). Шундай қилиб, ҳозирги кунда мавжуд бўлган тадқиқотлар АГ ривожланиши ва клиник кечишида алдостерон-ренин тизимининг роли тўғрисида аниқ тушунчани шакллантиришга имкон бермайди.

**Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси Термез филиалининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 02-4974 «Аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, уларнинг хавф омилларини барвақт аниқлаш ва

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий-профилактика, терапевтик ва замонавий инновацион диагностика ёрдамида такомиллаштириш» (2022-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қон плазмасидаги алдостерон ва ренин фаоллиги ва яллиғланиш белгиларига қараб турли оғирлик даражадаги ўтказилган COVID-19 дан кейин илк бор аниқланган гипертония касаллигининг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қиёсий таҳлил қилиш ва ўтказилган COVID-19нинг оғирлик даражасини гипертония касаллигининг клиник кечишига таъсирини аниқлаш;

қон плазмасидаги алдостерон ва ренин даражасини ўрганиб, уларни беморларда гипертония касаллигини клиник кечиши билан ўтказилган COVID-19нинг оғирлик даражасинининг таъсири билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

яллиғланиш кўрсаткичлари (С-реактив оқсил), фибриноген ва Д-димер билан алдостерон ва ренин даражаси ўртасидаги боғлиқликни ва уларнинг илк бор аниқланган артериал гипертензияли беморларда ўтказилган COVID-19нинг оғирлик даражаси боғлиқлигини аниқлаш;

ковиддан кейинги даврда беморларда ренин-алдостерон тизимининг фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллигини даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Тошкент шаҳар 5-сонли клиник шифохонасида даво олган 99 нафар бемор олинган, шулардан, анамнезида полимераза занжир реакцияси (ПЗР) ёрдамида COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ва биринчи марта АГ аниқланган 64 нафар бемор (24 та эркак ва 40 та аёл) (асосий гуруҳ) ва анамнезида COVID-19 инфекцияси тасдиқланмаган биринчи марта АГ аниқланган 35 нафар бемор (13 та эркак ва 22 та аёл) (қиёсий гуруҳ) танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида беморларнинг анамнези, физикал текширувлари, қоннинг лаборатор таҳлиллари, жумладан ренин ва алдостерон натижалари, С-реактив оқсил ва Д-димер, қонда электролитлар кўрсаткичлари, трансторакал ЭхоКГ маълумотлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий тадқиқотни бажариш жараёнида умумий клиник маълумотлар, анамнез, лаборатор-биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 дан кейин илк бор қўйилган гипертония касаллиги таъхисининг клиник кечиши баҳоланиб, 2-даражали артериал гипертензия билан оғриган беморлар сонининг 2,1 баравар кўпайиши ва нишон аъзоларини шикастланишининг ривожланишини 1,7 баробар ортиши билан тавсифланган ва шу билан бир қаторда ўтказилган COVID-19 инфекциясини оғирлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқлик ( $r=0,754$ ;  $P<0,01$ ) аниқланган;

гипертония касаллигида ренин ва альдостероннинг юқори даражалари ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллашишини кўрсатиши, шунингдек, унинг юқори фаоллиги COVID-19 инфекциясини ўтказган беморлар гуруҳида кузатилиши, касалликни оғирлик даражасига боғлиқлиги исботланган;

анамнезида COVID-19 ўтказган илк бор гипертония касаллиги ташхиси қўйилган беморларда ковиддан кейинги даврда SARS-CoV-2 инфекциясига яллиғланиш реакциясининг сақланиб қолиши, ўтказилган касалликни оғирлик даражаси билан корреляцион боғлиқликга эга бўлган, С-реактив оқсил, фибриноген ва Д-димер миқдорининг аҳамиятли ошиши билан боғлиқлиги асосланган;

ковиддан кейинги даврда ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллиги билан касалланган беморларни даволаш алгоритмини ишлаб чиқиши, нишон аъзоларини зарарланишининг ривожланишини камайишига ҳамда ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекциясининг оғирлиги ренин-алдостерон тизимининг фаоллашиши ва яллиғланиш реакциясининг сурункали кечиши негизида гипертонияни клиник кечишига таъсир қилиши исботланган;

даволашнинг оптимал усулларини танлаш мақсадида ковиддан кейинги даврда биринчи марта ГК ташхиси қўйилган беморларда ренин ва алдостерон миқдорини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ковиддан кейинги даврда беморларда юракдаги тузулмавий-функционал ўзгаришларнинг регрессиясига ва артериал қон босимини (АҚБ) бошқаришга ёрдам берадиган РАТ нинг фаоллиги билан ренинга боғлиқ ва ҳажмга боғлиқ АГ ни ажратишни ҳисобга олган ҳолда ГК ни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РАС нинг фаоллиги ва яллиғланиш маркерларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил шаклда кечган COVID-19 инфекциясидан кейин гипертония касаллигининг ривожланиш механизмлари ҳақида янги маълумотлар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ковиддан кейинги даврда беморларда РАС нинг фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллигини даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги ва клиник амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади, бу эса нишон органларини зарарланишининг ривожланишини камайтиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ковиддан кейинги даврда артериал гипертония билан оғриган беморларда ренин ва альдостерон тимизи фаоллигини баҳолаш буйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* COVID-19 дан кейин илк бор қўйилган гипертония касаллиги ташхисининг клиник кечиши ўрганилиб, 2-даражали артериал гипертензия билан оғриган беморлар сонининг 2,1 барабар кўпайиши ва нишон аъзоларини шикастланишининг ривожланишини 1,7 баробар ортиши билан тавсифланган ва шу билан бир қаторда ўтказилган COVID-19 инфекцияси билан тўғридан-тўғри боғлиқлик ( $r=0,754$ ;  $P<0,01$ ) аниқланганлиги Сурхондарё вилоят тиббиёт маркази 24.02.2024 йилдаги 36-Т-сонли ҳамда Республика амалий тез тиббий ёрдам маркази Андижон филиали 08.04.2024 йилдаги 01/116-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/06-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: COVID-19 дан кейин гипертония касаллигини ривожаланишини башоратловчи клиник ва лаборатор кўрсаткичларни аниқлашга қаратилган тавсиялар даволаш чораларига шахсий ёндашувни ишлаб чиқиш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: 5 кунлик даволаш негизида аниқ антигипертензив натижа ҳар бир бемор учун 840 000 сўмни ташкил этган даволаниш харажатларини камайтириш имконини беради. Хулоса: Гипертония касаллиги ва COVID-19 билан оғриган беморларни самарали олиб бориш учун кенг қамровли ташҳислаш, шу жумладан яллиғланиш кўрсаткичларини даражасини аниқлаш, шунингдек, юрак ҳолатини баҳолаш учун текширувлар ўтказиш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик:* гипертония касаллигида ренин ва альдостероннинг юқори даражалари ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллашишини кўрсатиши, шунингдек, унинг юқори фаоллиги COVID-19 инфекциясини ўтказган беморлар гуруҳида кузатилиши, касалликни оғирлик даражасига боғлиқлиги исботланганлиги Сурхондарё вилоят тиббиёт маркази 24.02.2024 йилдаги 36-Т-сонли ҳамда Республика амалий тез тиббий ёрдам маркази Андижон филиали 08.04.2024 йилдаги 01/116-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/06-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда беморларда ренин ва альдостерон фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертензияни даволаш учун тавсия этилган алгоритм нишон аъзолар шикастланишининг ривожланишини камайтиришга ва ковиддан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берган. ушбу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ўлим ва ногиронлик даражасини пасайтириш, шунингдек, шифохонада қолиш муддатини қисқартириш ва даволаниш харажатларини камайтиришга ёрдам берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: тиббий ёрдам сифати ва мақсадли даволаш тактикасини амалга ошириш билан касалхонада 1 курс даволаниш учун 370 756,5 сўм маблағ тежаш имконини берган. Хулоса: клиник амалиётда COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда ренин ва альдостерон миқдорини текшириш беморларда самарали даволаш ва касалликнинг асоратларини олдини олиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* анамнезида COVID-19 ўтказган илк бор гипертония касаллиги ташхиси қўйилган беморларда ковиддан кейинги

даврда SARS-CoV-2 инфекциясига яллиғланиш реакциясининг сақланиб қолиши, ўтказилган касалликни оғирлик даражаси билан корреляцион боғлиқликга эга бўлган, С-реактив оқсил, фибриноген ва Д-димер миқдорининг аҳамиятли ошиши билан боғлиқлиги асосланганлиги Сурхондарё вилоят тиббиёт маркази 24.02.2024 йилдаги 36-Т-сонли ҳамда Республика амалий тез тиббий ёрдам маркази Андижон филиали 08.04.2024 йилдаги 01/116-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/06-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: гипертония касаллиги ва COVID-19 билан оғриган беморларни самарали олиб бориш учун кенг қамровли ташҳислаш, шу жумладан яллиғланиш кўрсаткичларини даражасини аниқлаш беморлар кузатувини яхшилайти ва узоқ муддатли оқибатларни камайтиш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: даволаш курси учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан ҳар бир беморга 480 745,0 сўм тежаш имконини берган. Хулоса: COVID-19 инфекциясини ўтказган беморларда яллиғланиш кўрсаткичларидан: С-реактив оқсил, фибриноген ва Д-димер миқдорини аниқлаш ва клиник амалиётда тадқиқот натижаларини тадбиқ қилиниши ковиддан кейинги даврда гипертония касаллиги билан оғриган беморларда самарали даволаш ва асоратларини олдини олиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* ковиддан кейинги даврда ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллиги билан касалланган беморларни даволаш алгоритминини ишлаб чиқиши, нишон аъзоларини зарарланишининг ривожланишини камайтишига ҳамда ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келиши асосланганлиги Сурхондарё вилоят тиббиёт маркази 24.02.2024 йилдаги 36-Т-сонли ҳамда Республика амалий тез тиббий ёрдам маркази Андижон филиали 08.04.2024 йилдаги 01/116-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/06-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда беморларда гипертония ташҳисоти ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган янги ёндашувлар нишон аъзоларининг шикастланишини камайтиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: даволаш курси учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан ҳар бир беморга 680 324,0 сўм тежаш имконини берган. Хулоса: ковиддан кейинги даврда ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллигини ҳисобга олган ҳолда ГК ни даволаш нишон аъзоларини зарарланишининг ривожланишини камайтишига ҳамда ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ковиддан кейинги даврда ренин-алдостерон тизимининг фаоллигини ҳисобга олган ҳолда гипертония касаллигининг патогенетик хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Ковиддан кейинги даврда АГ ривожланишининг этиологик ва патогенетик жиҳатлари акс эттирилган, АГ ривожланишида РААТнинг роли тавсифланган. Ковиддан кейинги давридаги беморларда ГК терапиясининг жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Анамнезида COVID-19 ўтказган гипертония касаллиги билан оғриган беморларни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ковиддан кейинги даврда ГК бор текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот Тошкент шаҳар 5-сонли клиник шифохонасига ётқизилган ва стационар даво олган 25 ёшдан 45 ёшгача бўлган (ўртача  $37,5 \pm 2,3$  ёш) 99 нафар беморларнинг текширув маълумотларига асосланган. Кузатув гуруҳлари таққосланадиган асосий танлов мезонлари бўйича тузилган: ёши 25 дан 45 гача, АҚБ ни суткалик мониторинг (АҚБСМ) усули билан тасдиқланган (АҚБСМ: клиник қон босими  $>140/90$  мм симоб устун ва АҚБСМ  $>135/85$  мм симоб устунига тенг суткалик АҚБ) биринчи марта қўйилган АГ ташхиси.

Анамнез маълумотларига кўра, беморлар икки гуруҳга бўлинди: анамнезида полимераза занжир реакцияси (ПЗР) ёрдамида COVID-19 инфекцияси тасдиқланган ва биринчи марта АГ аниқланган 64 нафар бемор (24 та эркак ва 40 та аёл) (асосий гуруҳ) ва анамнезида COVID-19 инфекцияси тасдиқланмаган биринчи марта АГ аниқланган 35 нафар бемор (13 та эркак ва 22 та аёл) (қийёсий гуруҳ). Текширилганларнинг тана массаси индекси (ТМИ) ўртача  $30,9 \pm 3,4$  кг/м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

*Тадқиқотга киришиш мезонлари:* беморларнинг ёши 25 дан 45 ёшгача, систолик артериал қон босими (САҚБ) 135 дан 179 гача ва диастолик артериал

қон босими (ДАҚБ) 89 дан 109 мм симоб устинигача тенг бўлиши ва беморларни COVID-19 инфекциясидан 12 хафта сўнг шифохонага муружат қилиши.

*Тадқиқотдан чиқариш мезонлари:* ўткир яллиғланиш касалликлари, тиреотоксикоз, буйрак усти беши гиперплазияси каби эндокрин патологиялар, Конн касаллиги, буйрак касалликлари, юрак ишемик касаллиги, сурункали юрак етишмовчилиги.

Лаборатор маълумотларни таққослаш учун гастрит ташхиси билан терапевтик бўлимда даволанган АГ клиник белгилари бўлмаган 25 кишидан (14 та аёл (56,0%) ва 11 та эркек (44,0%)) иборат назорат гуруҳи тузилди. Ёш оралиғи 25 ёшдан 40 ёшгача, назорат гуруҳидаги текширилганларнинг ўртача ёши  $38,5 \pm 3,9$  ни ташкил этди.

Биокимёвий параметрлар «Hitachi» («Boehringer Mannheim», Германия) автоматик биокимёвий таҳлил этиш ускунасида ишлаб чиқарувчининг реагентларидан фойдаланган ҳолда стандарт усуллар ёрдамида аниқланди.

D-dimer концентрацияси «Siemens» (Германия) реактивларидан фойдаланган ҳолда «Sysmex CA 1500» анализатори ёрдамида асосий ва қиёсий гуруҳларда 63 нафар (64,2%) беморларда иммунотурбидиметрик усул орқали ўрганилди. Фибриноген концентрацияси Клаусс усули билан аниқланди. Қон зардобидаги СРО миқдори иммунофермент усули ёрдамида ўрганилди. Текширувлар «Biomerica» (АҚШ) томонидан ишлаб чиқарилган «Hs-CRP ELISA» реагентлар тўплами ёрдамида «Униплан» аппаратида ўтказилди.

Плазмадаги рениннинг фаоллиги (ПРФ) «MEDIK-AS» лабораториясида «Immunotech» (Франция–Чехия) фирмаси тўпламлари ёрдамида радиоиммун усули орқали ўрганилди. Намуналар «Perkin Elmer» фирмасининг «WIZARD» автоматик γ-ҳисоблагичида ўлчанди. ПРФ 1 мл намунада 1 соат давомида ҳосил бўлган ангиотензин I миқдори сифатида аниқланди:  $ПРФ = [AI (37^\circ C) - AI (4^\circ C)] \times 2 / t$ , бу ерда: AI (37° C) – намунанинг 37° C да инкубациясидан кейинги ангиотензин I концентрацияси (нг/мл), AI (4° C) – намунанинг 4° C да инкубациясидан кейинги ангиотензин I концентрацияси (нг/мл), t – инкубация вақти (соат). Норма сифатида куйидагилар олинди: ПРФ – 0,2-2,8 нг/мл/соат (ётган ҳолатда), алдостерон – 8-172 нг/мл (тинч ҳолатда).

Эхокардиографик (ЭхоКГ) текширув Америка эхокардиографчилар Ассоциациясининг тавсияларига биноан «General Electric Vivid 3» аппаратида тинч ҳолатда ўтказилди.

Юрак-қон томир хавфини SCORE бўйича аниқлашда куйидаги хавф омиллари ҳисобга олинди: жинси, ёши, чекиш, САҚБ, умумий холестерин даражаси. Хавф омиллари тўғрисидаги маълумотлар шкала бўйича таққосланди ва хавф омиллари учун кесишган ҳужайрада умумий хавф аниқланди.

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усулларида фойдаланган ҳолда Microsoft Excel – 2019 дастурий мажмуаси орқали шахсий компьютерда амалга оширилди. Кўрсаткичлар  $M \pm SD$  сифатида тақдим этилди. Фарқлар  $p < 0,05$  бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «Анамнезида COVID-19 ўтказган беморлар қон плазмасидаги алдостерон ва ренин даражалари ва уларнинг гипертония касаллигининг клиник кечиши билан боғлиқлиги» деб номланган учинчи бобида ушбу патологияси бор беморларнинг клиник, лаборатор-биокимёвий ва инструментал текширувлари натижалари таҳлил қилинди. Асосий гуруҳдаги барча беморларда касалхонага келишидан олдин 12 ҳафтадан кўпроқ вақт давомида ўтказилган COVID-19 тасдиқланиб, ўртача давомийлиги  $15,8 \pm 1,5$  ҳафтани ташкил қилди. Текширув вақтида асосий гуруҳда 41 (64,1%) таққослаш гуруҳида эса 27 (77,1%) нафар беморлар турли вакциналар билан эмланганлиги қайд этилди.

Коронавирус инфекциясининг кечишини таҳлил қилганда, 39 нафар (60,9%) бемор COVID-19 ни енгил шаклда (ўпканинг интерстициал зарарланишисиз), 20 нафар (31,3%) – ўртача (ўпка зарарланиши ҳажми – КТ 1-2), 5 нафар (7,8%) – оғир шаклда (ўпка зарарланиши ҳажми – КТ 3-4) ўтказганлиги аниқланди. Анамнездан маълум бўлишича, асосий гуруҳдан 25 нафар бемор COVID-19 инфекциясининг ўткир даврида касалхонага ётқизилган бўлиб, бу 39,1 фоизни ташкил қилди.

Беморлар охириги 4-5 ҳафта давомида бош айланиши, бош оғриғи, кўнгил айнаши, юқори АҚБ (135/80 мм сим. уст. дан юқори) каби шикоятлар билан муурожаат этди.

Олтита етакчи симптомлар бўйича клиник текширув натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, коронавирус инфекциясига чалинган барча беморлар кучли чарчоқ, жисмоний юкламаларга чидамлилигининг пасайиши каби шикоятлар билдирди. Беморларнинг аксариятида, инфекциянинг давомийлигидан қатъи назар, жисмоний юклама билан боғлиқ бўлмаган турли хил прекардиал соҳадаги оғриқлар, юрак уриб кетиши, уйқу бузилиши кузатилди. Шу билан бирга, уйқу бузилиши коронавирус инфекциясига чалинган аёлларда кўпроқ учради.


Таққосланган гуруҳларда АҚБСМ нинг ўрганилган кўрсаткичларида аксарияти учун аҳамиятли фарқлар мавжуд эди (1-жадвал). COVID-19 билан касалланган беморларда кундузги ва тунгги САҚБ нинг нисбати таққослаш гуруҳидаги беморларга қараганда статистик жиҳатдан анча паст эди ( $p < 0,01$ ). АҚБ нинг тунгги пасайиши кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида инфекцияни ўтказган гуруҳларда АҚБ нинг тунгги пасайиши характерида фарқлар аниқланди (1-расм).

#### 1-жадвал

#### Текширилган гуруҳларда Артериал қон босим суткалик мониторинги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, n=99

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ, n=64	Қиёсий гуруҳ, n=35
САҚБ кл./ДАҚБ кл. мм сим. уст.	161,4±12,9/100,1±5,6	159,3±11,6/98,5±3,9
САҚБ/ДАҚБ-24 с. мм сим. уст.	159,9±6,1/96,8±5,6	151,9±4,8/91,3±4,7
САҚБ/ДАҚБк. мм сим. уст.	158,8±5,7/97,7±6,4	149,9±5,8/90,4±5,1
САҚБ/ДАҚБт. мм сим. уст.	152,7±4,4/91,6±5,4	148,7±6,2/89,4±4,8

Шундай қилиб, тунгги АҚБ нинг нормал характери қиёсий гуруҳдаги беморларда 88,6% ҳолларда (35 тадан 31 тасида) ва асосий гуруҳда 51,6% ҳолларда (64 тадан 33 тасида) ( $p < 0,05$ ) қайд этилди.



**1-расм. Текширилган гуруҳларда тунгги артериал қон босимининг характери**

Асосий гуруҳда 48,4% беморларда (64 тадан 31 тасида) ва қиёсий гуруҳда 11,4% беморларда (35 тадан 4 тасида) тунгги АҚБ нинг етарли бўлмаган характери кузатилди ( $p < 0,05$ ).

COVID-19 ўтказган гуруҳларда non-Dipper лар аниқланди, асосий гуруҳда 17,2% (64 тадан 11 тасида) ва қиёсий гуруҳда 5,7% ҳолларда (35 тадан 2 тасида) учради ( $p < 0,01$ ).

Ўтказилган короновирус инфекциясининг оғирлигига боғлиқ бўлган ҳолда асосий гуруҳдаги беморларда қон босими кўтарилганлигини аниқладик, олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Короновирус инфекциясининг оғирлигига қараб асосий гуруҳдаги артериал қон босим суткалик мониторинг кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, n=65**

Кўрсаткич	Енгил даража, n=39	Ўрта-оғир даражада, n=20	Оғир даража, n=5
САҚБкл./ДАҚБкл. мм см.уст	152,3±3,2/90,4±3,7	160,7±3,2/99,6±3,7	169,2±5,1/110,5±4,7
P<		P енгил-ўрта-оғир <0,05	P енгил-ўрта-оғир <0,01 P ўрта-оғир <0,05
САҚБ/ДАҚБ-24 соат. мм см.уст	150,3±6,6/90,1±3,4	158,6±7,1/97,1±4,4	168,6±8,1/101,1±6,4
P<		P енгил-ўрта-оғир <0,05	P енгил-ўрта-оғир <0,001 P ўрта-оғир <0,01
САҚБ/ДАҚБд. мм.см.уст.	153,6±6,2/91,8±4,3	162,3±6,2/99,7±7,3	165,8±8,2/100,8±6,3
P<		P енгил.-ўрта-оғир <0,05	P енгил-ўрта-оғир <0,001 P ўрта-оғир <0,01
САҚБ/ДАҚБн. мм см.уст.	148,5±7,2/89,7±5,1	150,8±8,2/91,6±6,2	158,8±7,6/93,6±5,8
P<		P енгил.-ўрта-оғир <0,05	P енгил-ўрта-оғир <0,001 P ўрта-оғир <0,01

Маълумотлардан кўришиб турибдики асосий гуруҳдаги беморларда ковид инфекцияси қанчалик оғир бўлса, қон босимининг кунлик мониторинги даражаси шунчалик юқори бўлди, бу корреляция муносабати билан тасдиқланади ( $r=0,689$ ). Шундай қилиб, оғир кечган COVID-19 инфекциясида қон босимининг энг юқори кўрсаткичлари қайд этилган бўлиб, ўртача  $169,2 \pm 5,1 / 110,5 \pm 4,7$  мм.см.уст даражасига етган бўлса, енгил кечганда бу кўрсаткичлар  $-152,3 \pm 3,2 / 90,4 \pm 3,7$  мм.см.уст ни ташкил этди, бу сезиларли даражада паст эди ( $P < 0,05$ ).

ГК клиник кечишининг оғирлиги ўтказилган COVID-19 га боғлиқлиги аниқланди, шу тариқа АҚБ сезиларли даражада ошган ва касалликнинг босқичи зўрайган беморлар сони кўп учради. Шундай қилиб, ГК структурасида АГ даражасига нисбатан салбий динамика кузатилди, бу қиёсий гуруҳга нисбатан 1-даражали АГ билан оғирган беморлар сонининг камайиши (34,4% га нисбатан 57,1%;  $p < 0,05$ ) ва асосан 2-даражали АГ га чалинган беморлар сонининг кўпайиши билан ифодаланди (мос равишда 42,2% га нисбатан 20,0%). Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги текширилганларда 23,4% да 3-даражали АГ кузатилди, бу қиёсий гуруҳга қараганда 2,1 баравар кўпроқ бўлди (11,4%;  $p < 0,01$ ).

Нишон органларнинг шикастланишлари йўқлиги (1-босқич) асосий гуруҳдаги беморларнинг 42,2% да қайд этилиб, бу қиёсий гуруҳга қараганда 1,7 баравар камроқ бўлди (71,4%;  $p < 0,01$ ). 2-босқич асосий гуруҳда 2 баравар тез-тез учраб, асосан чап қоринча гипертрофияси (40,6%), ретинал артерияларнинг умумий ёки фокал торайиши (43,8%), қонда креатинин концентрациясининг аҳамиятсиз ошиши (25,0%), шунингдек, уйқу артериясида «интима-медиа» комплексини 0,9 мм дан ортиқ қалинлашиши билан тавсифланди.

Умумий юрак-қон томир хавфи тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилганда, қиёсий гуруҳдаги беморларда паст хавф сезиларли даражада кенг тарқалганлиги аниқланди (60,0% га нисбатан 37,5%;  $p < 0,05$ ). Ўртача хавф асосий гуруҳда 1,4 баравар тез-тез қайд этилди (мос равишда 45,3% га нисбатан 31,4%). COVID-19 дан ўтказган беморларда юқори хавф деярли 2 баравар кўп бўлди (мос равишда 17,2% га нисбатан 8,6%;  $p < 0,05$ ).

ГКнинг клиник кўринишини таҳлил қилганда, биз унинг оғирлиги тўғридан-тўғри коронавирус инфекциясининг оғирлигига боғлиқлигини аниқладик, олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Коронавирус инфекциясининг оғирлигига қараб текширилган беморларни асосий гуруҳда тақсимланиши, n=65

Кўрсаткичлар	Енгил даража, n=39		Ўрта-оғир даража, n=20		Оғир даража, n=5	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Артериал гипертензия						
1 даража	18	46,2	4	20,0*	0	0,0
2 даража	21	53,8	6	30,0	0	0,0
3 даража	0	0,0	10	50,0	5	100,0**

Нишон аъзоларини зарарланиши						
1 даража	24	61,5	3	15,0*	0	0,0
2 даража	15	38,5	17	85,0*	5	100,0**
Умумий юрак-қон томир хавфи						
Паст хавф	21	53,8	3	15,0*	0	0,0
Ўртача хавф	15	38,5	13	65,0*	1	20,0**
Юқори хавф	3	7,7	4	20,0*	4	80,0**


Изох: \* - энгил ковид инфекцияси ўтказган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги ( $P < 0,05$ ); \*\* - ўрта-оғир ковид инфекцияси ўтказган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончлилиги ( $P < 0,05$ )

Берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, энгил ковид инфекцияси бўлган беморларда нишон аъзоларининг шикастланиши кузатилмайди ва 53,8% ҳолларда паст юрак-қон томир хавфи қайд этилади. Ковид инфекциясининг оғирлигига қараб ГК клиник кечишининг оғирлиги билан боғлиқлик мавжуд. Шундай қилиб, ковид инфекциясининг ўртача ва оғир даражасида 3-даражали АГ 50,0% ҳолларда, оғир инфекцияда эса барча ҳолларда (100%) қайд этилади.

Анамнезда ковид инфекциясининг ўрта-оғир даражасида нишон аъзоларининг шикастланиши 85,0% ҳолларда, оғир кечганда - барча ҳолатларда (100%), энгил кечганда эса 38,5% да қайд этилган ва сезиларли даражада паст бўлган ( $P < 0,05$ ).


Умумий юрак-қон томир хавфи, шунингдек, ковид инфекциясининг оғирлигига боғлиқ бўлиб, оғир ҳолатларда паст хавф кузатилмаган, ўрта-оғир кечганда эса энгил кечганга қараганда 3,6 марта камроқ (53,8% га нисбатан 15,0%);  $P < 0,01$ ) кузатилган. Юқори юрак-қон томир хавфининг пайдо бўлиш фоизи ковид инфекциясининг оғирлигига қараб ошди, шунинг учун ковиднинг энгил кечишида касалланиш даражаси 7,7% ни, оғир ҳолатларда эса 80,0% ни ташкил этди ( $P < 0,001$ ).

Шундай қилиб, биз аниқлаганимиздек, ковид инфекциясининг оғирлиги ГКнинг клиник кўринишига таъсир қилади, бу корреляция таҳлили билан ҳам тасдиқланади (2-расм).



**2-расм. Илк аниқланган гипертония касаллигининг клиник кечишига ковид инфекциясининг оғирлиги таъсирининг корреляция таҳлили кўрсаткичлари**


АГ билан оғриган беморларнинг қонида алдестерон даражасини аниқлашда биз асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳида кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигини аниқладик, аммо кўрсаткичлар референс кўрсаткичлар оралиғида эди (70 -300 мг/мл), олинган маълумотлар 3-диаграммада келтирилган.



**3-расм. Қиёсий жиҳатдан текширилган беморлар гуруҳларида ўртача алдестерон даражаси**

Шундай қилиб, асосий гуруҳда ўртача алдестерон даражаси  $195,6 \pm 11,3$  мг/мл ни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида 1,1 марта камайган ва ўртача  $185,6 \pm 7,8$  мг/мл ( $P < 0,05$ ) ни ташкил этган. Шу билан бирга, асосий гуруҳда ҳам, таққослаш гуруҳида ҳам назорат гуруҳига нисбатан алдестероннинг сезиларли ўсиши кузатилди. Тадқиқотларимизда биз асосий гуруҳда ва таққослаш гуруҳида ҳам беморларда алдестероннинг юқори ёки паст даражасини қайд этмадик.

Бизнинг тадқиқотларимизда асосий гуруҳдаги беморларда ўртача ренин миқдори  $35,2 \pm 1,8$  мкБирлик/мл ни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткичлар 1,2 мартага камайди ва ўртача  $28,4 \pm 1,2$  мкБирлик/мл га етди ( $P < 0,05$ ). Шу билан бирга, иккала гуруҳдаги гипертензияси бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан ўртача ренин қийматлари сезиларли даражада ошди ( $P < 0,05-0,01$ ). Олинган маълумотлар 4-расмда кўрсатилган.



**4-расм. Текширилган беморлар гуруҳларида рениннинг ўртача кўрсаткичлари**

Меъёрий ренин кўрсаткичлари таққослаш гуруҳидаги беморларнинг 57,1 фоизида ва асосий гуруҳда 48,4 фоизида кузатилган. Сезиларли даражада юқори ренин даражалари асосий гуруҳда (29,7%) тез-тез қайд этилган, таққослаш гуруҳида эса 2,6 баравар кам (11,4%), бу сезиларли даражада фарқ килди ( $P < 0,05$ ). Асосий гуруҳда 21,9% ҳолларда рениннинг пасайиши

тенденцияси кузатилди, таққослаш гуруҳида - 31,4% ҳолларда, кўрсаткичлар ўртасида ишончли фарқ кузатилмади ( $P>0,05$ ).

Ковид инфекциясининг оғирлигига қараб ренин ва алдестерон даражаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики (4-жадвал) алдестерон ва ренин кўрсаткичлари ковид инфекциясининг оғирлигига қараб ўзгарган, шунинг учун оғир ҳолатларда алдестерон ва ренин даражаси енгил даража билан солиштирганда сезиларли даражада юқори бўлди ( $P<0,05-0,01$ ).

#### 4-жадвал

### COVID-19 инфекциясининг оғирлигига қараб алдестерон ва рениннинг ўртача даражалари, $n=64$

Ўтказилган ковид инфекциясини оғирлик даражаси	Ўртача кўрсаткичлар	
	алдестерон, пг/мл	ренин, мкЕД/мл
Енгил даража, $n=39$	151,3±5,6#	18,5±1,4#
Ўрта-оғир даража, $n=20$	182,4±8,5*	32,8±1,7**
Оғир даража, $n=5$	251,3±7,8***##	55,7±1,6***##

Изоҳ: \* - енгил ковид инфекцияси ўтказган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги (\*- $P<0,05$ ; \*\* -  $P<0,01$ ); #- ўрта-оғир ковид инфекцияси ўтказган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги (#- $P<0,05$ ; ## -  $P<0,01$ )

Шунингдек, ковид инфекциясининг ўрта-оғир кечган ҳолатларида енгил даражага ( $P<0,05-0,05$ ) нисбатан сезиларли даражада юқори кўрсаткичлар ва оғир даражага нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткичлар ( $P<0,05-0,01$ ) кузатилди.

5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, асосий гуруҳдаги натрий даражаси қиёсий гуруҳга нисбатан 6,9% га ва назорат гуруҳига нисбатан 3,7% га пасайди. Асосий гуруҳдаги калий миқдори назорат гуруҳига нисбатан 24,3% га ва қиёсий гуруҳига нисбатан 12,5% га камайди.

#### 5-жадвал

### Анамнезда COVID-19 инфекциясига чалинганлигига боғлиқ ҳолда Гипертония касаллиги илк бор аниқланган беморларда натрий ва калий миқдорининг кўрсаткичлари

	Асосий гуруҳ, $n=64$	Қиёсий гуруҳ, $n=35$	Назорат гуруҳи, $n=25$
Натрий, ммоль/л	133,3±3,6*^	143,2±2,8*	138,5±2,6
Калий, ммоль/л	2,8±0,4*^	3,2±0,5	3,7±0,6

Изоҳ: \* - маълумотларнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги (\*-  $p<0,05$ ); ^ - қиёсий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги (^ -  $p<0,05$ )

ГК вариантларини аниқлаганда, асосий гуруҳда 68,7% ҳолларда (64 тадан 44 тасида), қиёсий гуруҳда 54,3% беморда (35 тадан 19 тасида) ренинга боғлиқ ГК қайд этилди. Беморларни ГК вариантыга қараб РААТ ни ҳисобга олган ҳолда гуруҳларга тақсимлаганда, ҳажмга боғлиқ ГК вариантли беморлар гуруҳида ўртача ёши ренинга боғлиқ ГК бўлган беморлар гуруҳига қараганда анча юқори эканлиги ва COVID-19 инфекциясига боғлиқ эмаслиги иккала гуруҳларда кўринди.

Бундан ташқари, ГК нинг паст даражали ренин шакллари бўлган беморлар юқори АҚБ билан ажралиб турарди. Суткалик АҚБ профилини

ўрганганда, ҳажмга боғлиқ АГ билан оғриган беморларда ренинга боғлиқ АГ билан касалланган беморларга қараганда САҚБ ( $p<0,05$ ) ва ДАҚБ ( $p<0,01$ ) нинг ўртача суткалик қийматларида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди. Кун давомида АҚБ нинг ўзгаришини баҳолаганда, кундузги ва тунгги САҚБ да аҳамиятли фарқлар мавжуд эди, ДАҚБ эса ГК нинг турига қараб фақат кундузги ўлчаш даврида ишончли даражада фарқ қилар эди. САҚБ нинг тунгги пасайиш даражаси ренинга боғлиқ АГ билан оғриган беморлар гуруҳида ҳажмга боғлиқ АГ ли беморлар гуруҳига нисбатан анча паст эди. Миқдорий таҳлил натижасида АГ нинг паст даражали ренин шакллари бўлган беморларда АҚБ нинг тунгги пасайиши етарли эмаслиги ва юқори даражада ўзгарувчанлиги аниқланди. АҚБ нинг суткалик профилини тадқиқ қилиш гуруҳлар САҚБ ( $p<0,05$ ) ва ДАҚБ ( $p<0,01$ ) нинг ўртача суткалик кўрсаткичлари бўйича аҳамиятли даражада фарқ қилганини кўрсатди.

Бир факторли таҳлил ёрдамида ПРФ нинг ёш ( $r=-0,5$ ,  $p<0,001$ ), клиник САҚБ ( $r=-0,4$ ,  $p<0,01$ ), ДАҚБ ( $r=-0,4$ ,  $p<0,01$ ), ўртача суткалик САҚБ ( $r=-0,4$ ,  $p<0,05$ ), ўртача суткалик ДАҚБ ( $r=-0,4$ ,  $p<0,05$ ), кундузги САҚБ ( $r=-0,5$ ,  $p<0,05$ ), кундузги ДАҚБ ( $r=-0,4$ ,  $p<0,05$ ), тунгги САҚБ ( $r=-0,3$ ,  $p<0,05$ ), тунгги ДАҚБ ( $r=-0,3$ ,  $p<0,05$ ) билан тескари корреляцияси ва ХС-ПЗЛП ( $r=0,3$ ,  $p<0,05$ ), қондаги сийдик кислотаси ( $r=0,3$ ,  $p<0,05$ ) миқдорлари билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи анамнезида COVID-19 га чалинган ГК билан оғриган беморларда миокарднинг тузилмавий-функционал ҳолатини қиёсий баҳолашдан иборат бўлди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Эхокардиография кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=64)	Қиёсий гуруҳ (n=35)
ОДЎ, см	4,5±0,5	4,6±0,4
ОСЎ, см	2,8±0,4	2,9±0,3
ОДХ, см <sup>3</sup>	92,3±25,7	92,8±24,2
ОСХ, см <sup>3</sup>	28,1±9,8	33,2±10,4*
ҚТҚ, см	1,07±0,14	1,09±0,11
ЧҚОДҚ, см	1,02±0,15	0,95±0,12*
ОФ, %	68,5±7,0	64,8±5,9*
ЧҚММИ, г/м <sup>2</sup>	115,9±5,6*	110,3±3,4*
ЧҚГ, n (%)	26 (40,6%)*	7 (20,0%)*

Изоҳ: \* - кўрсаткичларнинг гуруҳлар ўртасида ишончилиги (\*-  $p<0,05$ )

Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги беморларда ЧҚОДҚ нинг 1,1 баробар ортиши негизида (1,02±0,15 га нисбатан 0,95±0,12 см;  $p<0,05$ ) ОСЎ кўрсаткичларининг 1,2 баравар (28,1±9,8 га нисбатан 33,2±10,4 см<sup>3</sup>;  $p<0,05$ ) сезиларли пасайиши кузатилган. ОФ 1,1 марта (68,5±7,0% га нисбатан 64,8±5,9%;  $p<0,05$ ) ва ЧҚММИ (115,9±5,6 га нисбатан 110,3±3,4 г/м<sup>2</sup>). Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида биз асосий гуруҳдаги беморларнинг 40,6 фоизда ЧҚГ ривожланганлигини аниқладик, таққослаш гуруҳида эса 2 баравар кам (20,0;  $P <0,05$ ).

Ишнинг кейинги босқичида биз ковид инфекциясининг оғирлигига қараб ЧҚГ ривожланиш частотасини таҳлил қилдик, олинган маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

ГК билан оғриган беморларда ЧҚГ ривожланиши билан алдостерон ва ренин даражаси ўртасидаги муносабатларни корреляцион таҳлил қилишда биз ҳеч қандай алоқани аниқламадик ( $r= 0,126$  ва  $r= 0,118$ ;  $p> 0,05$ ), бу катта эҳтимоллик билан ЧҚГ ривожланишининг патогенезида бошқа яллиғланиш жараёни билан боғлиқ механизмлар иштирок этишини кўрсатади.

Шундай қилиб, биз ковид инфекциясининг оғирлигини юракнинг геометрик параметрларига таъсирини аниқладик, ковиднинг оғир кечган ҳолатларда ЧҚГ бизнинг маълумотларимизга кўра 100% ҳолларда, ўрта-оғир ҳолатларда эса ЧҚГ 65,0% ривожланган. ГК билан оғриган беморларда хавф омилларини ўрганганда, уларнинг энг юқори учраш частотаси асосий гуруҳда қайд этилди, бу гуруҳдаги беморларнинг 43,8% да 2-3 та хавф омили аниқланди, қиёсий гуруҳда эса 20,0% ҳолларда учради.

#### 7-жадвал

### Ўтказилган COVID-19 инфекциясининг оғирлигига қараб Гипертония касаллиги билан оғриган беморларда ЧҚГ ривожланиш частотаси

Ўтказилган ковид инфекциясининг оғирлик даражаси	Асосий гуруҳ, n=64	
	абс.	%
Енгил даража, n=39	6	15,4##
Ўрта-оғир даража, n=20	13	65,0*
Оғир даража, n=5	5	100,0**#

